INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL
MANAGEMENT, MARKETING AND FINANCE
SPECIAL ISSUE: ZIYARAH TOURISM AND LOCAL COMMUNITIES: SUSTAINABLE DEVELOPMENT AND SOCIAL RESPONSIBILITY IN AREAS SURROUNDING PILGRIMAGE SITES

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ

Худойбердиева Гузалой Йўлдош қизи
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти мустақил изланувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.20093107

Аннотация. *Мазкур мақолада иқтисодий барқарорликни таъминлаш, инвестицион муҳитни яхшилаш ҳамда самарали фойдаланиш талабини қўйилиши, турли хил соҳалар ва тармоқлардаги муаммолар ечимини инвестиция маблағларини жалб қилиш масаласи муҳим аҳамиятга эгалиги акс эттирилган. Шунингдек, мамлакатимиздаги инвестицион фаолиятнинг ривожлантирилишичора-тадбирлар тўғрисида таклифлар келтириб ўтилган.*
Калит сўзлар: *ҳудуд, минтақа, тармоқ ва соҳалар, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш, хорижий инвестиция, инвестиция лойиҳалари, инфратузилма, инвестиция муҳити, инвестицион сиёсат.*

Ҳозирги кунда ҳар бир мамлакат ва минтақалар учун иқтисодий барқарорликни таъминлаш, инвестицион муҳитни яхшилаш ҳамда самарали фойдаланиш талабини қўймоқда. Чунки, турли хил соҳалар ва тармоқлардаги муаммолар ечимини инвестиция маблағларини жалб қилиш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда инвестицияларни жалб қилиш кўламида қатъий белгиланган ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек мамлакатимизнинг Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки каби йирик халқаро молия институтларининг ҳамда ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишида муҳим омил хисобланади.

2022 йилда қабул қилинган бир қатор хорижий инвестицияларга таъсир этувчи чоратадбирларнинг 70 фоизи инвестициялар учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилганлиги, шунингдек инвестицияларнинг 3/4 қисми ривожланаётган мамлакатларга тўғри келаётганлигини ва бу кўрсаткичлар, Ўзбекистонда қабул қилинаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда олиб борилаётган ташқи иқтисодий сиёсат натижасида мамлакатимизга жалб қилинаётган инвестициялар географияси ҳам кенгайиб бормоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритган мамлакатлар сони 50 дан ортганини кўришимиз мумкин. Шунингдек қуйидаги давлатлар яъний Россия, Германия, Туркия, Хитой, Жанубий Корея каби мамлакатлари етакчилик қилаётганини кўриш мумкин.

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришда инновацияларни жорий қилиш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар бекиёс ўрин тутади. Инвестицияларга бўлган эътиборнинг кучайиши бугунги кунга келиб, мамлакатимиздаги инвестицион фаолиятнинг ривожлантирилишига олиб келди. Бу борада эришилган аник ютук ва муваффакиятларнинг кенг ва атрофлича таҳлили,

шуасосдаги мухим амалий хулосалар, келгусида эътибор қаратишимиз лозим булган энг долзарб масалалар орасида мамлакатимиз тараккиётининг устувор йўналишлари ва ривожланишдастурларини белгилашда, албатта, асосий эътибор хорижий инвестицияларга қаратилаётганлигини таъкидлаш керак.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб килинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар хажми йилдан-йилга ўсибориш тенденциясига эга. Аммо бу соҳада бир қанча муаммолар хали ҳам кўзга ташланмокда. Мазкур муаммоларни ўрганишда. аввало инвесторлар томонидан инвестицияни қабул қилувчи давлатни кайси жихатларига эътибор қаратишини билиш максадга мувофик.

Жумладан, конуний тарзда фойда олишни кузлаган хар бир чет эллик инвестор маълумбир мамлакатга ўз капиталини киритишдан олдин куйидаги шарт-шароитларга эътибор қаратади:

-мамлакатнинг тинчлиги, ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, хорижий инвесторларучун яратилган шарт-шароитлар ва имтиёзлар;

-инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилинганлиги, эркин фаолият кўрсатишлари учунконуний асосларнинг шаклланганлиги;

-режалаштирилаётган ишлаб чиқариш лойиҳасини хом-ашё захиралари, ишчи кучи вамалакали мутахассислар билан таъминланганлик даражаси;

-ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун яратилган инфратузилма (электр-энергия, газ, сув, канализация, автомобил ва темир йул);

-инвестор ўз фаолияти давомида олган фойдасини миллий валютадан хорижий валютага эркин айирбошлаш имконияти.

Ўзбекистон жаҳонда турли молиявий-иқтисодий инқирозлар хукм сураётган бир шароитда ҳам хорижий инвестициялар йуналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмокда. Бунга, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган ва узок стратегик максадларни кўзлаган давлат инвестиция дастурлари ҳамда кулай инвестиция мухити яратилаётгани асосийомил бўлмокда. Бирок, мамлакатимизда чет эл инвестицияларини жалб қилишни кенгайтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг мухим шаклларидан бири кўшма корхоналар ташкил этишдир. Бугунги кунда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарининг даромадларини солиққа тортишда бир катор имтиёзлар берилган бўлсада, биринчидан, бу солиқ имтиёзларининг муддати, хажми, қўлланиш шарт-шароити аник кўрсатилганбўлиши, иккинчидан, бу енгилликлар хорижий инвесторларга яхши таниш ва тушунарли булиб,камида беш-ун йилга белгиланиши, учинчидан, солиқ имтиёзлари ўзгармас ва катъий бўлишилозим. Шундагина бу имтиёзлар ўз самарасини бериши мумкин.

Бозор иқтисодиётининг глобал иқтисодий ўсиш шароитида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида хусусий инвестициялар салмоғидан самарали фойдаланишга бир қатор омиллар салъбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса мавжуд қонунчилик асоси номукаммаллиги ва амалдаги иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги етарли даражада эмаслигида кўришимиз мумкин. Ушбу муаммоларнинг аксарият қисми макро-даражада давлат заҳираларидан ва аҳолининг ўз жамғарма маблағларидан етарли даражада самарали фойдаланилмаётганлигидан юзага келаётганлиги назарда тутилган.

Мамлакат иқтисодий ўсишга чет эл инвестицияларни жалб қилишга мухим омили сифатида устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек иқтисодий ўсишга эришиш учун нафақат унинг ҳажмини ошириш, балки уларнинг йўналишини ҳамда тузилмасини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Инвестицияларни жалб қилиш учун турлий хил ишлаб чиқариш ҳамда корхоналарни танлаб олиш ҳам мақсадга мувофиқ, шунингдек инвестицияларни тезда ўзини қоплаши ва юқори даражада иқтисодий ва технологик самара беришига эришиш зарур ҳамда тезда қайтарилиши ва самарадорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиёти шаклланиши ҳамда ҳудудларда қулай инвестиция муҳитини яратиш, шунинг билан бир қаторда макроиқтисодий барқарорлик омилларининг кескин даражада кучайтириш зарурий аҳамиятга эга. Мамалакатнинг иқтисодий ўсишини ва қулай инвестицион муҳитини яратиш ва уларни қўллаб қувватлаш ҳамда жадал ривожлантиришда ҳал қилувчи вазифаларни бажарилиши лозим.

Шу муносабат билан инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда шу асосда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва сифатини яхшилаш хисобига маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга эришиш мумкин. Шунингдек мамлакатимизнинг барча ҳудудларига жалб қилинаётган инвесторлар фаолиятига давлатнинг фаол аралашувига яқин йиллар мобайнида макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қараш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг иқтисодиёти бевосита инвестиция сиёсатига ҳам боғлиқ бўлганлиги сабабли ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, улардан мақсадга мувофиқ самаралий фойдаланиш масалалари, ҳудудларда мавжуд табиий-иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан унумлий ва самарали фойдаланиш ва инвестицион муҳитини шакллантириш, алоҳида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни давр талаби деб хисоблаймиз.

Шунингдек, мамлакатимизнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланган холда, янги сармоядорлар синфини шакллантириш ҳам мухим аҳамиятга эга.

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатидан кўзланган энг асосий мақсад хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилаётган корхоналарнинг маҳсулот ёки хизматларини экспортга йўналтиришдан иборат. Бунинг учун маҳаллий корхоналаримиз негизида ташкил этилаётган корхоналар фаолиятини янгича ташкил этиш, яъни акциялар улушига асосан томонларнинг қарор қабул қилишида иштирок этиш, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг маҳсулот ёки хизматларини ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширишга эришиш кабилар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ўзига хос инвестицион иқлим ярата олди ҳамда бунга мамлакатнинг ресурсларга бой эканлиги ва уларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш борасида корхоналарни ташкил этиш ҳамда модернизациялаш бўйича берилаётган кенг имкониятлар хорижлик инвесторларни кириб келишига замин яратиб келмоқда. Фикримизча юқорида келтирилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб қилинишига ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имконятлар яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

збекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташки ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишидаги нутқи. 12 январь, 2018 йил. Тошкент.//www.press-seivice.uz;

абирова Л.Ш., Носиров Э.И. Иностранные инвестиции. Учеьное пособие. -Т.:ТФИ, 2015. -197 с.;

устафакулов. Ш.И. Инвестицион мухит жозибадорлиги [Матн] илмий-амалийкулланма. Тошкент: Baktria press, 2017. -320 б.